

## ЁШЛАР МАЊНАВИЯТИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ.

**Мамадалиев Музаффар Умарович**

Андижон давлат чет тиллари институти. Ижтимоий гуманитар фанлари, педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси. [t.u.mamadaliyev@mail.ru](mailto:t.u.mamadaliyev@mail.ru)  
// +998902100402

**Аннотация** Мақолада ёшлар мањнавиятини шакллантириш масалалари, давлатимиз томонидан таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислохатлар, ёшларнинг мањнавий ахлоқий тарбияси, ёшлар онгига салбий таъсир этувчи ғоялар, мағкуравий иммунитет, ёшлар тарбиясида махалла, оила ва таълим муассасалари хамкорлиги, аждодларимиз урф-одатларидан фойдаланиш, отаона маъсулияти ҳамда бой илмий меросимиз ва ундан хар фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

Хусусан, А.Р.Беруний, А.Н.Форобий, Махмуд Қашқарий, Кайковус, Садий, А.Темур, А.Жомийнинг, А.Навоий, Юсуф Хос Хожиб, А.Авлоний каби кўплаб олимларимиз фикрлари ва асарлари ёшлар мањнавиятини шакллантиришда ахамияти мақолада атрофлича таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** мањнавият, маърифат, оила, маҳалла, тарбия, мерос, тарғибот, қадрият, меҳр.

**Мањнавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак.**

**Ш.М.Мирзиёев**

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси [2.62-б].

Ислохатларнинг муҳим йўналишларидан бири инсоният мањнавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юртимиизда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этлади. Шу маънода ўсиб келаётган ёш авлодни юксак мањнавиятли гўзал ахлоқий сифатлари руҳида тарбия топтириш зарурати юзага келади. Юксак мањнавият ва ахлоқ жамият тараққиёти давомида вужудга келиб, таркиб топиб такомиллашиб келадиган меъёр қоидаларидан иборат бўлиб у инсониятни жамиятга бўлган зарур ахлоққа эга бўлишликни талаб қиласи. Шунга мувофиқ бирор бир шахсга юриш туришига қараб ахлоқли ёки ахлоқсиз деб баҳолашга имкон беради. Абдулла Авлонийнинг алоққа берган таърифи ҳам нақадар муҳим эканлигини билдиради. “Ахлоқ инсонларни яхшиликка чақиравчи, ёмонликдан

қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқнинг яхшилигини, ёмон хулқни ёмонлигини далил ва исботлар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур” [3.11-б].

Давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий, ҳукуқий тарбия ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларининг тақдири, юртимизнинг буюк келажагини барпо этиш фуқароларнинг, айниқса ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасига, юксак онгилиги, ижтимоий фаоллигига бевосита боғлиқ. Шу боис мамлакатимиз мустақилликининг дастлабки кунларидан бошлаб маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зеро, таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳам давлат бош ислоҳотчидир.

Бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, ижтимоий сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатишга, инсон ҳаётда ўз ўрнини топишини тезлаштиришга, жамиятга мустақил фикрловчи эркин шахсни шакиллантиришга, инсондаги мавжуд салоҳиятни тўла рўёбга чиқаришга, онгли, тафаккури озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган, кучли фуқаролик жамиятини барпо этадиган комил инсонларни тарбиялашга қаратилгандир.

Ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган турли таҳдидлар, маънавий хуружлар авж олган бугунги мураккаб шароитда хушёрлик ва эҳтиёткорлик зарурлигини барчамиз англадик ва ҳис этиб турибмиз. Чунки турли ниқоблар остида ёшлар қалбига чуқурроқ кириб уларнинг маънавиятини заҳарлашга ўринаётган кучлар ҳар биримизни ташвишга солмади. Жумладан биринчи президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида, “Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгосентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, ушнинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилиқ сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хаф солмоқда ва қўпчилик бутун жаҳонда бамисоли боло-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда” [2.117-б] деб таъкидлаб ўтади.

Шу боисдан ҳам ёшлар ўртасида маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш чораларини кўриш бугунги долзарб вазифадир. Жамият ҳаётида маънавий ахлоқий тарбиявий ишлар ҳамиша муҳим ахамият касб этиб келган ва шундай бўлиб қолади. Маърифатпарвар олим Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидур”- деб таъкидлаганлиги хар доим ўз тасидигини топмоқда. Мамлакатимизда таълим-тарбия ишини давлат даражасидаги устувор вазифага айлантирилиши ҳам жамиятимизда ёшларни маънавий баркамол, кучли, билим ва юксак таффакурга эга бўлган кадрлар қилиб тарбиялашда қанчалик муҳим иш эканлигининг исботидир.

Ёш авлодни маънавий тарбиясида таълим муассасаларининг оила ва маҳалла ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш ва такомиллаштириш зарурлиги ойдинлашмоқда. Хар бир оила аъзолари оиласида соғлом муҳитни яратиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ибратли бўлиши, фарзандларнинг ота-онага, ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, фарзандларга чуқур илм бериш, уларни маърифатли ва маънавиятли кишилар қилиб тарбиялаш, иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш, мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий тафаккурга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларга қўшимча таълим бериш, инсонда мавжуд бўлган истеъоддларини ривожлантириш учун зарур шароитларини яратиш каби масалаларга эътибор қаратиш зарур. Маҳалла фаоллари томонидан тарбия муассасалари билан биргалиқда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилиш, маънан носоғлом оиласида маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ота-оналар орқали ёш авлодга меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий одоб, байналмилаллик каби хислатларини сингдириш, аждодларимизнинг тарбиявий ўгитларини сингдириб бориш, маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларнинг имкониятларини ўқув-тарбия муассасалари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия муассасалари билан биргалиқда турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, анжуманлар, байрам ва беллашувлар ташкил қилиш, турли йўналишларда иқтидори бўлган ёшларни ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлаш, турли тўгарак ва клублар фаолиятини ташкил қилиш, маҳаллаларда олиб борилаётган барча

тарбиявий, маънавий, маърифий, маданий-оммавий ва спорт тардбирлардан ҳамкорликларни янада кучайтириш зарур.

Юқорида кўрсатилганидек, маҳалла ва оила азалий удумлар, урф-одатлар ва анъаналарга таянган ҳолда улкан маънавий тарбия вазифасини бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги орқали одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдирилиб борилади. Ёшларимизни маънавий етук бўлиб етишишида таълим муассасалари билан биргалкда оила ва маҳалла бирдай масъул. Бунинг учун биринчи навбатда ота-она, маҳалла ҳар жабҳада ёшларга ибрат, ўrnak бўлиши лозим. Ёшларни маънавий тарбиялашда оила ва маҳалла ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатса, бу икки тарбия маскани тарбия ишида катта самарадорликка эришиши мумкин.

Бугунги кунда Республикализ маҳаллаларида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш бўйича, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. ....буғун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги харакатга айланиши шарт! [1]

Маҳалланинг буғунги кундаги энг муҳим вазифаларидан бири маҳалладаги оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясини ҳамкорлик асосида назорат қилиб боришидир. Ёшлар тарбиясида бирон бир ижобий самарага эришиш учун, аввало ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Таълим муассасалари билан ҳамкорлик ёшлар маънавий ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланиб талаба-ёшларни шахсини тарбиялаш, камол топтириш, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича йиғилишлар, устоз ва мураббийлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, маҳалла ёшлари иштирокида маҳалладаги маънавий тарбия борасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш ёшларни маънавияти янада шакллантириши барчамизга аён.

Ҳозирги кунда ёшларнинг маънавий эҳтиёжини қондиришда анъана ва янги дастурлар ишлаб чиқиши тақозо этади. Чунки, маҳаллада, оиласа олиб бориладиган урф-одат, турли хил маросимлар ўз моҳиятига кўра, маънавий маданият ва турмуш тарзининг муҳим элементлари сифатида ҳар бир шахсни ижтимоий муҳит билан боғловчи восита ҳисобланади. Энг муҳими, янги урф-одатлар, айниқса ёшларнинг ўзаро муносабатларига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, дунёни аслидек тушуниш ва идрок этишга, умуман, инсон маънавий қиёфасини мукаммалашувига олиб келади. Миллий

анъаналаримиз, урф-одатларимиз халқимиз ҳаётининг мазмунига, кундалик турмуш тарзига сингиб кетганилиги инсоннинг ахлоқий руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб қолган. Шу маънода ёшларни маънавий-ахлоқий эстетик қарашлари, хулқ атвори ва ҳатти-харакатларини баҳолашда, уларни бурч, виждон, ор-номус, ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби тушунчаларга бўлган муносабатларини ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирги даврда маҳалладаги оилаларнинг камол топиши кўп жиҳатдан янги ижтимоий шароитга қай даражада мос келишига, уларнинг қанчалик яхши ташкил этилганлигига ва кишиларнинг маданий маиший эҳтиёжлари қай даражада қондирилаётганлигига боғлиқдир. Оиладаги маҳаллалардаги моддий ва маънавий эҳтиёжлар кишиларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлайди, шахснинг маданий савиясини кўтаради. Ички маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланган миллий қадриятлар, яъни анъана, урф-одатлар инсон ҳаётининг асл моҳиятини ташкил этади. Зеро анъана ва урф-одатларнинг ёшлар руҳиятига рағбатлантирувчи таъсири кучини ота-оналар, маҳалла доимо назарда тутмоқлари керак. Айниқса, оилавий маиший ва ижтимоий турмуш урф-одатлари, ижтимоий вазифаларини аниқ тарихий восита нуқтаи назаридан маҳлиё қилиш, уларга мустақиллик шароити, миллийлик ва исломийлик нуқтаи назаридан ёндошиш, биринчидан ёшларни маънавий жиҳатлари тарбиялаш; иккинчидан оилани негизини мустаҳкамлайди; учинчидан, умуминсоний ва миллий қадриятларга бўлган муносабат мутлақ ижобий томонга ўзгаради. Бу эса, ўз навбатида, оила аъзоларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга олиб келади.

Ота-боболаримиздан мерос қолган чиройли ва рамзий маънога эга бўлган урф-одатларни билиш, бевосита уларда иштирок этиш ва айнан ана шу урф-одатларнинг ўтказиш тартибини, қонун-қоидаларини билиш ёшларни маънавий шакилланишида муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Маҳаллаларда ёшларни тарбиялашда ота-боболаримиз услубини қўллаш, тарихий маросимимизга ва миллий тарбиямизга асосланишимиз лозим. Таълим тарбия соҳасидаги энг муҳими умуминсоний ва миллий маданий қадриятлар устиворлигидир. Бу эса ёшларга бош тарихий, миллий маданий мерос, минг йиллар давомида шаклланган миллий тарбиямиз анаъаналари асосида тарбия беришдир. Зеро Қомусий олим Абу Райхон берунийнинг “муруват ва футуват энг яхши фазилат” [4.32-б] деб таъкиддагани бежиз эмас. Абу Наср Форобий эса “Инсонни баҳт-саодатига элтувчи жамоа етук жамоа бўла олиши мумкин. Комил инсонни яратиш, уни баҳт-саодатга элтиш, ҳар

қандай давлат, жамос бошлигининг вазифаси бўлиши даркор” [5.25-б] деган сўзлари ҳар қандай инсонга юксак маъсулиятни юклайди.

Юксак маънавиятли комил инсонларни тарбиялашда оилавий мухит ва таълим муассасаларида соғлом маънавий мухитни қарор топдириш мухим аҳамиятга эга. Инсон ўз ҳаёти давомида ўзидағи ахлоқий маънавий соҳага камолотга қанчалик интилса, шунчалик ўз ҳато камчиликларини англаб боради. Бой маънавий меросимиз, қадимги битиклар, ёзма манбалар, пандномалар ҳамда ўйтлардаги маънавий ахлоқий масалаларимиз бизни жамиятга бўлган муносабатимизни негизини ташкил қиласиди. Бу эса ўз навбатида ёшларда жамиятга бўлган хурматни юксалтириш, мустақиллигимизни янада мустахкамлаш, ахлоқий маданиятга эга бўлиш ўз-ўзини англаш каби хислатларни ривожлантиришга олиб келади. Ёшлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжихатлилик, ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-куватлаш каби фазилатлар халқимиз давлатимиз тараққиётининг асосий негизларидан биридир.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш уларни комил инсон қилиб тарбиялашдаги омиллар сарасига қуидаги келтирилган аждодларимиз фикрлари ва асарларидан фойдаланишимиз нақадар мақсадли ишдир.

Юсуф Хос Хожиб: Ота-она ўғил ва қиз тарбиясидаги ижобий маъсулиятни мухим рол ўйнайди. Улар танлаган тўғри йўл фарзандларнинг камолоти учун ниҳоятда мухимдир деб таъкидласа, Маҳмуд Қашқарий халқларнинг урфодатлари, анъаналари, қадриятларини ўша давр кишиларининг ўзига хос руҳий маънавий оламини баён этиб, инсоннинг руҳий олами, маънавият илм-фан, маърифат ва маданият билан боғлиқлигини таъкидлайди. Булардан ташқари Кайковуснинг “Қобуснома”, Садийнинг “Гулистон”, А.Темурнинг “Темур тузуклар”, А.Жомийнинг “Баҳористон”, А.Навоийнинг “Махбуб ул-кулуб” каби кўплаб олимларимиз асарларини айтиб ўтишимиз мумкин.

Мана шундай буюк меросларимиздан фойдаланган ҳолда ёшлар онгода юксак малака ва қўникамаларни таркиб топтириш вазифаси аввало, оилага ва маҳалла жамоаси шунингдек таълим муассасаларига юклатилиши ёшлар маънавияти, тарбиясини тўғри йўналтирилган ечимиdir. Маълумки, бугунги кунда ёшлар тарбиясида оила ва таълим муассасалари ҳамкорлиги ўрни тобора ортмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида оиланинг жамият, давлат олдида маъсулиятини англаб етадиган комил инсонлар тарбиялашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Тарбия ўта мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, ёшлар тарбияси, уларнинг ижтимоий ҳаёт жараёнидаги ўрни бугунги кунда сезиларли даражада ортиб бормоқда. Оилада сингдириб бориладиган одоб-ахлоқ қоидалари ижтимоий фойдали меҳнат,

таълим олиш, бўш вақтларида турли хил тўгаракларга қатнашиш ёшларнинг келгуси ҳаётларида ижтимоий ҳукуқий муносабатларнинг фаол субектларига айланишлари муҳим аҳамиятга эга. Ёшларда маънавий шакиллантириш эса энг муҳим ва мураккаб вазифалардан биридир.

Оилада ота-она ўз фарзандларига ўзларининг қасб-корига садоқат, яшаб турган заминига меҳр-муҳабат, хулқ-атвори, бир-бирига бўлган ўзаро ҳурмати, жамият ва давлат олдидаги бурчларини қанчалик адо этишлари билан фарзандларига ибрат мактаби бўлишилигини унутмаслик лозим. Оилада ёшларни маънавий шакиллантиришда баркамол шахс сифатида вояга етказишида ота-она ҳар томонлама билимдон, устоз, маънавий, сиёсий ва ҳукуқий билимларга эга бўлиши лозим. Чунки, оилада бола маънавий оламини яратади, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги энг содда тушунчаларни шакиллантиради, атрофида содир бўладиган воқеа-ҳодисаларга ижобий ёки салбий фикрларини билдира бошлайди. Айни пайтда ота-она ўзининг билимдонлиги билан тўғри ва аниқ йўл кўрсатиши, ижобий фикрлашни тўғри йўлга қўйиш, яхши ёмонга ижобий ёки салбий муносабат билдиришларини фақат ва фақат тарбия орқали амалга оширадилар.

Ўзаро ҳамкорликка асосланган тарбия аниқ ишлаб чиқилган йиллик ва истиқболли режага асосланилса, ўзаро ҳамкорлик ришатали янада мустаҳкам ва мақсадли бўлади. Ёш авлод аввало оила ва маҳаллада камол топар экан, бугун ана шу маҳалланинг орасида етишиб чиқсан машхур кишилар, устоз-мураббийлар, ҳарбийлар, халқ қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган ҳурматли кишилар, машхур спортчиларнинг ибратли ҳаёт йўлларини ўзларига намуна қилиб олишлари керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дунёning бирор бир давлатида маҳалла институтига бўлган эътибор бизнинг мамлакатимиздагидек эмас. Шунга қўра, тарбияда ўзаро ҳамкорлик ва унга хос тажрибаларни ўрганиш ҳамда оммалаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллиги, юртимиз равнақи ёшларни ўқиши изланиш ва меҳнатдан қочмайдиган, ҳар қандай қийинчиликлардан ҳайиқмайдиган, салбий иллатлардан нафрат билан қараш руҳида тарбиялашни талаб қиласди. Шунга қўра бугунги Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар бир ёш шу ўлканинг ҳақиқий эгаси бўлиб етишиши унинг гуллаб-яшнаши ҳақида қайғуриш, эришган ютуқларни янада мустахкамлаб бориши лозим деб ҳисоблайман.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва

маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. 2023 йил 22-декабр Тошкент

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й
3. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: Ўқитувчи 1992 й
4. Абу Райҳон Беруний. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й
5. Абу Наср Форобий. Фозила одамлар шаҳри. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993 й
6. Mamadaliev, M. (2023). PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE AS A FACTOR LEADING MAN TO TRUTH AND GOODNESS. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 156–159). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10113191>
7. Umarovich M. M. THE IMPORTANCE OF COOPERATION BETWEEN EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILIES ON THE BASIS OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF OUR ANCESTORS IN THE FORMATION OF YOUTH SPIRITUALITY //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 4. – С. 157-163.
8. Mamadaliev Muzaffar Umarovich. (2022). IN FORMING THE SPIRIT OF YOUTH PHILOSOPHICAL WORLDWIDE AND THE SCIENTIFIC SIGNIFICANCE OF OUR NATIONAL SPIRITUAL HERITAGE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(4), 338–342. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/SKJ6E>
9. Mamadaliev, M. (2023). PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE AS A FACTOR LEADING MAN TO TRUTH AND GOODNESS. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 156–159). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10113191>
10. Artikov, T. A., & Mamadaliyev, M. U. (2023). ABU RAYKHAN BERUNI'S VIEWS ON EDUCATION. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 481–484). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10220673>
11. Umarovich, Mamadaliev. (2020). PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE IS THE METHODOLOGICAL REGULATOR FOR THE DEVELOPMENT OF ALL DISCIPLINES. EPRA International Journal of Research & Development (IJRD). 197-198. 10.36713/epra4105. The article depicts the nature of philosophic knowledge, their difference from the knowledge received from other subjects and its role in the process of formation of spiritually developed person. KEY WORDS: Philosophical knowledge, natural knowledge, mysteries of the world, living

education, intellectual eagerness, thinking absolutely, logical thinking, daily (ordinary) education (knowledge).

12. M.U.Mamadaliyev. (2024). Сотрудничество образовательных учреждений и семьи в формировании духовности молодежи. *Международный журнал формального образования*, 3(2), 28-33. Извлечено из <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2054>
13. Tokhtasunova, G. A. (2023). CHILDHOOD AS A SOCIAL PHENOMENON. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (T. 3, Выпуск 11, сс. 485–488). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10220726>
14. Tokhtasunova, G. A. (2023). CHILDHOOD AS A SOCIO-PHILSOPHICAL PROBLEM. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (T. 3, Выпуск 11, сс. 271–277). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10148006>
15. Tokhtasunova, G. (2023). SOCIALIZATION OF CHILDREN IN MODERN SOCIETY. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (T. 3, Выпуск 12, сс. 81–84). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10351537>
16. Ishanova, M. (2023). ISSUES OF HARMONIZATION OF NATIONAL AND PUBLIC VALUES IN THE PROCESS OF STUDENT EDUCATION. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (T. 3, Выпуск 11, сс. 267–270). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10147982>